

**МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ  
ФАРҚИ**

**Янгибоев Шоҳжон**

*Илмий раҳбар: Обидов Раҳмонали*

**Аннотация:** уибу мақолада бугунги кунда республикамизда энг долзарбўлиб турган муаммолардан бири Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтишининг зарурияти ва унинг ахамияти ҳақида фикрлар келтириб ўтилган. МХХСга ўтиши бўйича илмий холоса ва таклифлар берилган.

**Калим сўзлар:** молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисобот, баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, стандарт, фонdbиржсалари, қимматли қозозлар.

Бугунги рақамлаштириш даврида Молиявий барқарорлик форуми (Financial Stability Forum) томонидан МХХС глобал иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур бўлган 12 глобал стандартнинг бири сифатида тан олинди. Бу эса, МХХСни қабул қилаётган мамлакатлар сонини ошишига хизмат қилди, яъни улар сони кундан-кунга кўпайиб 150 дан ортиқ бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги касбий уюшмаларни ўз ичига қамраб олди. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, сўзга эътибор қаратилса, бу иккита қисмдан иборат бўляпти: “Халқаро стандарт” ва “Молиявий ҳисобот”.

Юқоридаги стандарт сўзининг луғавий ва ҳукуқий мазмунларидан келибчикиб, “Бухгалтерия ҳисоби стандартлари”га бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи аниқ қоидалар тўплами деб таъриф беришимиз мумкин. “Қоида” сўзи қонун ҳужжатларида белгиланган қатъий нормалар ёки

жамоатчилик томонидан қабул қилинган асосий тамойиллар бўлиши мумкин. Стандарт бухгалтерия ҳисоби обьектига ёки молиявий ҳисобот элементига нисбатан аниқ талаблар ўрнатиши билан, у бухгалтерия ҳисобининг умумий йўналишларини белгиловчи бухгалтерия ҳисоби моделлардан фарқ қиласи.

Бухгалтерия ҳисобининг хақаро стандарти сифатида иккита эталон:

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари - МХХС (International Financial Reporting Standards - IFRS), ҳамда

АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умум қабул қилинган қоидалари БХУҚ(Generally Accepted Accounting Principles - GAAP) тан олинган.

Савол туғилади, нима учун иккита халқаро стандарт мавжуд? Чунки, жаҳон фонд бозорларида листингдан ўтиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот, айнан шу икки стандарт талаблари асосида тайёрланади ватақдим қилинади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, АҚШ фонд бозори листингига кириш учун USGAAP талаблари, қолган фонд биржалари учун эса МХХС талаблари асосида молиявий ҳисобот тақдим қилинади.

МХХС биз учун янги ёки мутлақо бегона бўлган қандайдир иқтисодий тушунча ёки тил эмас (бу ерда МХХСни тушуниш учун фақат инглиз тили талаб қилинмайди, ҳозирда дунёнинг 30 дан ортиқ тилларига таржима қилинади). Биздан унинг моҳиятига озгина эътибор қаратишимиzioni талаб қиласи ва ҳеч иккиланмай республикамизда бухгалтерия ҳисоби тизимини МХХС талаблари асосида ривожлантириш имкониятига эга бўламиз. Чунки, қатъий назорат функциясига эга бўлган бизнинг миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларимиз ёки қоидаларимизнинг ҳам (бу ерда Континенталь модел назарда тутилмоқда) ўзига яраша ютуқ томонларига эга.

Маълумки, 2015 йилдан республикамизда МХХСга ўтиш ва унинг қоидаларига мувофиқлаштириш бўйича муҳим ислоҳотлар даври бошланди: биринчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24

апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва унинг 9-бандида 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботларини чоп этиши ва униМХХС ва АХС асосида ташқи аудитдан ўтказиши белгиланган. иккинчи, 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида МХХСга ўтиш тарихида янги сахифа очган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарорни имзолади. Қарорга мувофиқ МХХСга ўтишнининг зарурияти шундаки, республикамиздаги мавжуд акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотларининг молиявий фаолияти ҳақида хорижий инвесторларни ишончли ва зарур ахборотлар билан таъминлаш, корхоналарни халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ва ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлашдан иборат. учинчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 июндаги “Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан кўллаб- қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5161-сон қарори. Қарорнинг мақсади замонавий талабларга мос келадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, нодавлат таълим ташкилотларини кўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар иштироқи учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга қаратилади.

Мазкур қарор асосида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ қуйидаги икки муҳим ишларниамалга ошириш лозим бўлади:

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда Молия

вазирлиги ҳузуридаги ўқув марказининг “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” фанлари бўйича ўқув дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш;

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузурида Молиявий ҳисобот бўйича ресурс марказини алоҳида юридик шахс сифатида ташкил этиш. (Молиявий ҳисобот ва аудит халқаро стандартлари институти-Institute of International Financial Reporting and Auditing Standards).

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, МҲҲС талабларига мослашиш ваётиш бўйича Ҳукуматимизнинг энг муҳим бўлган ҳужжатларига эътибор қаратилди, мазкур меъёрий ҳужжатлар асосида тегишли вазирлик ва идоралартомонидан ўтган 7 йил давомида 10 га яқин қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Хўш, ўтган 7 йиллик ислохотлар қандай самара берди ва биз МҲҲСга тўлиқ ўтдикми ёки унга яна нималар тўсқинлик қилмоқда, деган савол туғилиши табиий албатта. Тан олишимиз керак, ушбу ислохотлар иқтисодиётимизда “очиқ эшиклар” даврини ҳам бошлаб берди, бир неча йирик корхоналаримиз bemalol хорижга чиқиши имкониятига эга бўлди (экспорт салохияти бир неча баробар ортди) ва инвестиция соҳасида хорижнинг кучли сармоядорлари пул оқимини иқтисодиётимизга жалб қилиш имкониятига эга бўлмоқдамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори. 2020 йил 24 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторларнисертификатлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбилар тўғрисида»ги ПҚ-5210-сон қарори. 2021 йил 4 август.

3. Президент Ш.Мирзиёев раислигига Олий таълим тизимидағи устувор вазифаларга бағишенгандык видеоселектор йиғилиши. 2021 йил. 16 июнь.  
<https://president.uz/uz/lists/view/4424>
4. Каримов А., Қўзиев И., Раҳимов М. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Унга мослашиш йўлида қандай чора-тадбирлар кўзда тутилган?“Халқ сўзи” газетаси. 2020.
5. Ризаев Н., Ҳотамов К. Моливий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишда Япония тажрибаси. “Молия ва банк иши” электрон-илмий журнали. Тошкент, №1. 2020.
6. Ризаев Н., Исаев Ф. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини (БХМС) молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) уйғунлаштириш масалалари. “Логистика ва иқтисодиёт” электрон-илмий журнали. Тошкент, №4. 2020.
7. Rizaev. N.K. INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN THE AGRICULTURAL SECTOR AND THEIR INTRODUCTION TO THE PRACTICE OF UZBEKISTAN. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2021 йил 2-сон.